O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 12 август, № 156 (4055) Шанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлиси тўғрисида ахборот

2006 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2007 йилга солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари муҳокама қилинди. Таклиф этилаётган солиқ концепциясига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ўсиш устуворликлари ва барқарор иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари баланслилигини таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш асос қилиб олинган.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилган 2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси лойиҳаси қуйидаги принциплар асосида ишлаб чиқилган:

Биринчидан, хўжалик юритувчи субъектларга мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги ошишига кўмаклашувчи солиқ юкини камайтириш.

Олдинги йилларда ушбу сиёсат изчил амалга оширилиши иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди. Фақат 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида солиқ юкининг пасайтирилиши корхоналарнинг молиявий ресурсларини 126 млрд сўмдан ортиққа кўпайтирди. Бу эса инвестицияларни кенгайтириш, ўз айланма маблағларини тўлдириш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни кўпайтириш учун муҳим қўшимча манба бўлиб хизмат қилди. Жумладан корхоналарнинг капитал қўйилмалари ҳажми 2006 йилнинг I ярим йиллигида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан реал ҳисоб-китобларга кўра 26,8 фоизга ўсди. Бюджет даромадлари қисқармади, балки иқтисодиётнинг реал ўсиши ҳисобига кўпайди.

Муҳокама қилиш учун киритилган 2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси лойиҳасида солиқ ставкаларини янада сезиларли даражада пасайтириш, хусусан:

юридик шахсларнинг фойдасига (даромадига) солинадиган солиқ ставкасини 12 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш таклиф қилинади. Ҳисоб-китобларга кўра бу фақат 2007 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш, кенгайтириш ва ходимларнинг иш ҳақини ошириш учун корхоналарга ўз ихтиёрида қоладиган фойда (даромад)ни камида 37 млрд сўм миқдорида кўпайтириш имконини беради;

ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш таклиф қилинади. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кўпайтириш ва унинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратади;

ягона ижтимоий тўловни 25 фоиздан 24 фоизгача пасайтириш таклиф қилинади. Бу меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкини камайтиради ва тегишли равишда ходимларнинг иш ҳақини ва ижтимоий нафақалар тўловини ошириш учун корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар суммасини кўпайтиради.

Таклиф этилаётган концепция лойиҳасида илгари қисман солиқ солинадиган телекоммуникация хизматлари учун тўлов ва реклама харажатлари сингари харажатлар учун юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни солиқ солинадиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташлаш тадбиркорлик субъектларининг амалий фаоллигини рағбатлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларга кириб боришига йўналтирилган.

Юқори тоннажли юк автотранспорт воситаларини, кўп ўринли автобусларни, махсус автомобилларни харид қилиш ёки вақтинча олиб келиш учун йиғим миқдорини 20 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш кўплаб ишлаб чиқариш, транспорт ва туристик корхоналарга ўз автотранспорт воситалари паркини янгилашни жадаллаштириш имконини беради.

Иккинчидан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромадини ошириш. Тақдим этилган лойиҳада даромад солиғининг солиқ солинадиган базаси қуйи шкаласини 13 фоиз даражасида сақлаб қолган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача даромад олинганда ўртача шкалани 20 фоиздан 18 фоизгача ва энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ даромад олинганда юқори шкалани 29 фоиздан 25 фоизгача камайтириш назарда тутилган. Бу аҳоли даромади ўсишида бевосита акс этади.

Учинчидан, ресурс солиқлари улушини кўпайтириш билан бир вақтда тўғри солиқлар улушини босқичма-босқич пасайтириш ҳисобига давлат бюджетининг даромад қисми таркибини ўзгартириш учун уларни тегишли равишда индексация қилиш назарда тутилмоқда. Бу табиий ресурслардан ва ер-сув ресурсларидан фойдаланишга оқилона муносабатда бўлишни рағбатлантириш имконини беради.

Айни бир вақтда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда нефть-газ секторида корхоналарнинг рентабеллигини ошириш учун ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини нефть қазиб олишда 35 фоиздан 20 фоизгача, газ конденсати қазиб олишда 32 фоиздан 20 фоизгача ва табиий газ қазиб олишда 58 фоиздан 30 фоизгача пасайтириш, шунингдек бензинга акциз солиғи ставкаларини 45 фоиздан 28 фоизгача, дизель ёқилғисига – 40 фоиздан 25 фоизгача ва авиация керосинига — 20 фоиздан 8 фоизгача камайтириш таклиф этилмоқда.

Тўртинчидан, солиқ солиш тизимини, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг айрим турларини ҳисоблаб чиқиш механизми ва тўлаш тартибини энг кўп даражада бирхиллаштириш ва соддалаштириш.

Замонавий савдо тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, кўрсатиладиган савдо хизматлари сифатини ошириш, айниқса қишлоқ жойларда, бориш қийин бўлган ва тоғли аҳоли пунктларида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини жорий этиш таклиф қилинади. Ҳозир мавжуд бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бешта тури ва уларни ҳисоблаб чиқишнинг анча мураккаб тизими ўрнига товар айланмасидан ягона солиқ тўловини жорий этиш: аҳоли сони 100 мингдан ортиқ кишини ташкил этадиган шаҳарларда савдо корхоналари учун — 5 фоиз, қолган аҳоли пунктларида — 3 фоиз, бориш қийин бўлган тоғли аҳоли пунктларида эса — 1 фоиз ставкали ягона солиқ тўловини жорий этиш таклиф қилинади.

Бешинчидан, солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатлари даражасидан, солиққа оид текширишлар очиқ-ошкора ўтказилишини таъминлашдан келиб чиқиб солиққа доир текширишлар сонини янада қисқартириш ва солиқ текширувлари тизимига ўтиш йўли билан маъмурий тартибда солиқ ундиришни такомиллаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида солиқ юкининг камайтирилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли ўсиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллиги ошиши ва аҳолининг реал даромадлари янада ўсиши қайд этилди. Бунда бюджетнинг потенциал йўқотишлари иқтисодиётнинг ўсиши билан таъминланган солиқ тушумлари кўпайиши, солиқ тўламаслик ҳолатларининг камайиши, солиқ йиғиш даражаси ошиши ва солиқ солинадиган база бир қисмининг "хуфёна сектор"дан чиқарилиши ҳисобига қопланади.

2007 йилга назарда тутилган солиқ сиёсати чора-тадбирлари қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларга — ялпи ички маҳсулотнинг 7,7 фоиз реал ўсишига, саноат тармоқларининг камида 10 фоизга жадал ўсишига, инвестициялар ҳажмининг 8 фоизга кўпайишига, инфляция даражасининг 5-7 фоиз доирасида сақланиб қолишига, аҳолининг реал даромадлари 17 фоизга ошишига эришиш учун мустаҳкам асос яратиш имконини беради.

Кун тартиби юзасидан сўзга чиққан марказий иқтисодий ва молиявий идоралар, йирик корхоналар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари 2007 йилга солиқ сиёсати концепциясининг асосий қоидаларини муҳокама қилишда фаол қатнашдилар ва солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш юзасидан назарда тутилган чора-тадбирларга ижобий баҳо бердилар, ишлаб чиқариш ва инвестицияларнинг ўсиши, солиқ тўловчилар даромадининг кўпайиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун унинг рағбатлантирувчи аҳамияти кучайишини алоҳида қайд этдилар.

Бу йил келгуси йилга солиқ сиёсати август ойидаёқ ишлаб чиқилганлигини қайд этиш зарур. Солиқ солишнинг янги шартлари билан олдиндан танишиш имконияти ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини режалаштириш нуқтаи назаридан хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорларнинг кенг қатламлари учун айниқса муҳимдир.

Муҳокама натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йилга солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини маъқуллаш ва 2007 йилга давлат бюжети лойиҳасини тайёрлашда асос сифатида қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Фахр

2006 йилнинг 14 июли ўзбекистонлик спорт ихлосмандлари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса, ажабмас. Негаки, айнан шу куни профессионал бокснинг ўрта енгил вазнида қатнашаётган ҳамюртимиз Қаҳрамон Орзиқулов Москва шаҳрида ўтказилган жангда профессионал боксдаги дастлабки йирик ғалабасига эришди. Қозоғистонлик машҳур «чарм қўлқоп» устаси Марат Мазимбаевни 12 раундли жангда очколар ҳисобига мағлубиятга учратиб, Жаҳон бокс ташкилотининг (WBO) қитъалараро ҳамда Халқаро бокс ассоциациясининг (IBA) жаҳон чемпиони камарларини қўлга киритди..

ҚАҲРАМОН ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИНИ ОЛДИ

Албатта, бокс мухлисларини «Қаҳрамон Орзиқулов ким ўзи?» деган савол қизиқтириши табиий.

Қаҳрамон 1980 йили Андижон шаҳрида, оддий ўзбек хонадонида туғилган. Республика Олимпия заҳиралари коллежида таҳсил олган. Унинг илк устозлари Александр Размахов ва Валентин Золотаревлардир.

У профессионал бокс билан 2001 йилдан буён шуғулланади. 2002 йилдан эътиборан машҳур рус промоутери Герман Титов билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда.

Албатта, оддий ўзбек ўғлонининг муваффақиятлари тасодифий эмас. Уларнинг замирида Президентимиз томонидан юртимизда спортга, айниқса, болалар спортига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик ётибди. Давлатимиз раҳбари халқаро майдонларда юртимиз довруғини кўтараётган иқтидорли спортчиларимизни доимо қўллаб-қувватлаб келади. Демак, мамлакатимизда Қаҳрамоннинг издошлари кўпайиши тайин.

Олис юртларда байроғимиз баландга кўтарилиб, мадҳиямиз янграшига сабаб бўлган, бирйўла икки камарни қўлга киритган Қаҳрамонни куни кеча юртдошларимиз катта тантана билан кутиб олишди. Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимига йиғилганлар уни ажойиб ғалабаси билан табриклаб, спортда янада улкан ютуқлар тиладилар.

Ғолибга Ўзбекистон Президентининг махсус совғаси — замонавий компьютерни Президентнинг матбуот котиби А. Азизхўжаев топширди.

— Очиғи, Москвада эришган ғалабам юртимизда бунчалар катта шодиёналарга сабабчи бўлишини, айниқса, муҳтарам Юртбошимиз томонидан тақдирланишини кутмаган эдим, — дейди Қаҳрамон. — Мен бу ютуғимни Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрамига ўзимнинг камтарона совғам деб биламан. Ҳозирча олган камарларим эса менга келгусида янги-янги муваффақиятларга эришишимда пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

Тақдирлаш маросимида маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН – БУНЁДКОРЛАР ЮРТИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Қурувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унга қурувчи ва меъморлар, муҳандислар, қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ташкилотлари, лойиҳалаштириш илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари таклиф этилди.

Йиғилишда халқимизнинг азалий фазилатларидан бўлган яратувчилик, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида янгича мазмун ва маъно касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Ҳар йили истиқлол айёми арафасида нишонланадиган Қурувчилар кунини бунёдкорларимиз бу гал ҳам янги-янги иншоотлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар, лицей ва коллежлар, спорт масканлари, йўллар ва кўприкларни ҳамюртларимизга туҳфа этишдек эзгу анъана билан кутиб олмоқдалар.

Асрларга татигулик бундай бунёдкорлик ишлари кўлами азим пойтахтимиз мисолида янада яққолроқ намоён бўлаётганини, шаҳримиз кун сайин яшариб, яшнаб бораётганини нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижий меҳмонлар ҳам эътироф этмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий ва замонавий меъморчилик ютуқларини ўзида уйғунлаштирган Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланди, бетакрор Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам иншоотлар, яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Кўриниши таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси барчанинг эътиборини ўзига тортади.

Тошкентнинг Эски шаҳар қисми буюк ўтмишимизга ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида янада ободонлаштирилди, пойтахтимизнинг замонавий қиёфаси билан уйғунлашиб кетди. Кўчалар тубдан қайта қурилиб, магистраль йўлларга айлантирилди. Ишлаб чиқариш корхоналари, оилавий поликлиникалар, гузарлар, спорт ва таълим муассасалари, маънавият ва маърифат масканлари, маиший хизмат шохобчалари бугун аҳоли хизматида. Болалар ижодиёти маркази, Ўзбек либослари галереяси, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи Эски шаҳар кўркига кўрк бўлиб қўшилди.

Амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишларида халқимизнинг асрий урф-одатлари, менталитети, миллий меъморчилик анъаналари билан бирга аҳоли учун қулайлик яратиш, экологик мусаффоликни сақлаш, автотранспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш каби жиҳатлар ҳам алоҳида инобатга олинмоқда. Тошкент Кичик ҳалқа йўлининг ишга туширилиши, «Тошкент» темир йўл вокзали, Ўзбекистон Миллий боғи қиёфасининг таниб бўлмас даражада ўзгаргани бунинг яна бир ёрқин далилидир. Буларнинг барини кўриб, кўли гул қурувчилар, ҳунарманд усталар, муҳандису меъморларга тасаннолар айтамиз.

Шу кунларда бунёд этилаётган ўнлаб қурилиш объектлари – Мустақиллик иншоотларида кечаю кундуз иш тинмайди. Таълим, маданият ва санъат, спорт, тиббиёт масканлари, кўргазма заллари, йўллар, кўприклар, корхоналарни Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллик тўйига қурувчиларнинг муносиб тўёнаси дейиш мумкин. Фахр билан таъкидламоқ лозимки, бундай хайрли ишлар бугун юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида қизғин давом этмоқда.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури билан якунланди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЮТУҚЛАР КЎП, АММО...

Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими А. Жалолов бошқарган йиғилишда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди. Хусусан, аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг бандлик даражасини ошириш борасида анча ишлар қилингани қайд этилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 143 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит ажратилди.

Тадбирда эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд муаммолар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Аёллар ўртасида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва кашандалик даражаси камаймаётгани ташвишли ҳолдир. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлод тарбиясига катта эътибор қаратилаётган бир пайтда айрим аёлларнинг ўзлари ва фарзандлари соғлиғига зарар келтирадиган иллатлар домига тушиб қолаётгани мутасаддилардан жиддий чоралар кўришни талаб этади. Нотинч оилалар ва ажралишлар сонининг кўпаяётгани ҳам ана шу иллатлар билан боғлиқлиги таъкидланди.

Мажлисда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

ОЛИМП ЧЎҚҚИСИДА ЎЗБЕК БАЙРОҒИ

АНДИШАНИНГ ОТИ ҚЎРҚОҚ ЭМАС

Ёзувчи муаммо қўяди

АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

Имом Бухорий ҳадисларидан

Пойтахтимизнинг «Олой деҳқон бозори»да Хоразм вилояти деҳқонлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси очилди.

ЯРМАРКА ИШ БОШЛАДИ

Хоразм вилояти ҳокимлиги вакили Қаҳрамон Мадраҳимовнинг айтишича, воҳа миришкорлари жорий йилда пойтахтликлар дастурхонига 600 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, жумладан, 300 тонна гуруч, 250 тоннадан ортиқ мева ва полиз маҳсулотлари етказиб беришни режалаштирган. Вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари «Юнусобод», «Чорсу», «Фарҳод» каби бошқа деҳқон бозорларида ҳам пешма-пеш сотилмоқда. Улар сифатининг юқори, нархининг нисбатан пастлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

— Пойтахтимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаларини ўтказиш яхши анъанага айлангани биз, харидорларни жуда қувонтирмоқда, — деди 262-мактаб ўқитувчиси Оҳиста Турсунова. — Бу бозорларимизда маҳсулот сероблигини таъминлабгина қолмасдан, нархининг кескин тушиши, сифатининг яхшиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мен бугун «Фарҳод» бозорига Хоразмнинг машҳур қовунидан харид қилиш учун атайлаб келган эдим. Лекин нархини кўриб, гуруч билан гўшт ҳам олганимни билмай қолдим. Халқимизнинг фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлигини ўйлаб, мана шундай ярмаркалар ташкил қилинаётгани учун жуда миннатдормиз.

Таъкидламоқ лозимки, ҳозир бундай ярмаркалар нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам фаол иш бошлади.

Бектош ИСМОИЛОВ. (ЎзА).

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

XXI аср бўсағасида аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган жонажон Ватанимизнинг янги тарихи — давлат мустақиллиги амалга ошди. Дунё XX аср харитасида мустақил, озод, суверен давлат — Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлиши нафақат асрий орзу-умидларимизнинг ушалиши, балки сиёсий мутелик асоратидан қутулишдек халқимиз хоҳиш-иродаси, муқаддас мақсадларининг рўёби ҳам эди.

Тақдирни қўл билан яратмоқ, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамламоқ, жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг бўлиб, кўксимизни ғурур-ла юксак кўтармоқ бахти оғир ва машаққатли курашлар, улкан қурбонлар эвазига келганлигини, бир лаҳза бўлсин, унутиш мумкин эмас. Республикамизда яшовчи юздан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари ўз илмий-маърифий салоҳиятини, куч-қудратини табиий ресурсларга бой, тупроғидан зар унгувчи юртимиз тараққиётига бахшида этишда бир тану бир жон бўлиб жипслашгани, айниқса, қувончлидир.

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Мустақил давлатни ташкил этишдан тортиб,сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотларни адолатли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини яратишгача бўлган барча жараёнларга Президент Ислом Каримов бевосита раҳнамолик қилмоқда. Натижада, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг шаклланиши тобора ривожланиб бормоқда. Одамларнинг тафаккур тарзи ва ҳаётга муносабати тубдан ўзгарди. Аҳоли онгида демократик қадриятлар шаклланиб-гина қолмай, кун сайин Ватанимизнинг порлоқ келажагига ишонч руҳи мустаҳкамланмоқда.

Яшаётган давримизнинг ўзига хослиги унинг айрим зиддиятлардан ҳам холи эмаслигида кўринади. Глобаллашув даврига қадам босаётганимизга қарамасдан, инсоният халқаро терроризмнинг маккор ва ёвуз услублари келтираётган балою офатларга қарши ҳамжиҳатликда курашмоғи зарурият даражасига кўтарилди. Биз-нинг минтақамизда жойлашган барча давлатлар бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришга интилмоқда. На ватани, на миллати, на диний мансублиги бўлмаган терроризм, миссионерлик, дин ва мазҳаблардан зиддият излаш каби ақидапарастлик хуружларининг олдини олиш, террорчилик ва тажовузкорликнинг мафкуравий заминини йўқотиш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар аслида ёшларимизнинг қалби ва онгини бегона ғоялардан асраш, уларни яратувчанликка йўналтириш, тафаккур мусаффолиги учун курашдир. Тараққиётимизнинг асосини тинчлик ва барқарорлик тамойили ташкил этиши ҳам бежиз эмас. Чунки ҳар қандай демократик ислоҳотлар учун жамиятнинг барқарорлиги ва давлатнинг хавфсизлиги ҳаётий заруриятдир.

Мамлакатимиз раҳбари БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессияси, ЕХҲТга аъзо давлатлар бошлиқлари билан учрашувларда, турли даражадаги саммитларда, нуфузли анжуманлардаги маърузаларида ҳамиша хавфсизлик муаммосининг долзарблигини таъкидлаб келади. Дунёдаги кескинликни барқарорлаштириш, минтақамизнинг геосиёсий ўзига хосликларидан келиб чиқиб, хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш борасида ички ва ташқи сиёсатимизда қатъият, изчиллик билан дадил ҳаракат қилаётганлиги ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу, авваламбор, халқаро хавфсизлик тизими минтақаларо даражада мувофиқлаштирилаётганида кузатилади. БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузиш таклифи ҳам Ўзбекистон Президенти ташаббусидан кейин рўёбга чиқди. Экстремизм ва халқаро терроризмнинг молиявий манбаи бўлган наркобизнес, наркотрафикка қарши халқаро миқёсда кураш масаласида ҳам эътиборга молик таклифлар илгари сурилиши билан бир қаторда, мазкур ташаббусларни амалга ошириш борасида ички сиёсатимизда қатъият намуналари кўрсатилди. Бу борадаги тизимли ва тадрижий курашнинг натижаси бўлган "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", "Экспорт назорати тўғрисида", "Пулни ноқонуний ўзлаштириш тўғрисида"ги қатор қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланганлиги ва қабул қилинганлиги шаксшубҳасиз мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади. БМТнинг терроризм олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган аксарият ҳужжатлари Ўзбекистонда ратификация қилинганлиги, республикамизнинг халқаро шартномаларда фаол иштирокини кўрсатади. Улардаги мажбуриятларни изчил бажаришгина қолмай, тегишли масалаларга доир ташаббусларнинг ҳам илгари сурилаётганлиги алоҳида таъкидлашга молиқдир.

Зеро, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида аҳолисининг сони, жаҳон геосиёсий тизимидаги ўрни ва геостратегик салоҳияти, шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги мавқеи жиҳатидан ўзига хос ўрин эгаллайди.

Чегарадош айрим давлатларда мураккаб вазиятлар юзага келганида барқарорликни мустаҳкамлаш учун мамлакатимиз раҳбарияти салмоқли ҳисса қўшди. Минтақамизнинг ядро қуролидан холи ҳудуд сифатда эътироф этилишига эришиш, Орол ва Оролбўйи муаммоларига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиш йўлидаги эзгу интилиш натижалари асос эътибори билан минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган эзгу ташаббуслар бўлди. Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сингари қатор минтақавий ташкилотлардаги фаолиятида ҳам Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатида мантиқий изчилликка қатъий амал қилаётганлигини ёрқин намоён этмоқда. Бир сўз билан айтганда, глобал хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон муҳим ўрин тутади.

Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган тамойиллар асосида юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туб, сифатий ўзгаришларнинг асосини ташкил этиб, жамият, барқарор ривожланишини таъминлаб келмоқда. Республикамизда сиёсий фаолият ва уюшувнинг истиқболда кўзланган улуғ мақсадларимизга мос тизимлари, янги сиёсий институтлар ва технологиялар барпо этилди. Жамият сиёсий ҳаётида қатнашишнинг икки палатали парламент, демократик сайловлар, референдумлар, умумхалқ муҳокамалари сингари асосий шакллари яратилди. Кўппартиявийлик тизими шаклланди, нодавлат ташкилотларининг фаоллигини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Буларнинг барчаси, ҳозирги замон цивилизациясига тўла мос бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадига йўналтирилгандир.

Мамлакатимизнинг дин соҳасидаги сиёсати ҳам илмий асосланган бўлиб, қонунийлик, демократия, дунёвийлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойиллари асосида олиб борилмоқда. Диний ташкилотлар фаолиятининг тикланиши, ривожланиши, Тошкент Ислом университети каби диний ва дунёвий билим берувчи таълим-тарбия даргоҳларининг фаолият кўрсатаётганлиги, даврий матбуот нашрлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали мунтазам равишда диннинг эзгу моҳияти тушунтирилаётганлиги мустақиллик шарофатидир.

Шунингдек, кўплаб қадимий, диний-маданий обидаларнинг тикланиши, таъмирланиши, қайта қурилиши, "Хотира майдони", "Шаҳидлар хиёбони" сингари муҳташам ёдгорлик мажмуалари қурилиши мустақиллик йилларида амалга оширилди. Кўплаб шаҳарларимизнинг, саркарда ва мутафаккирларимизнинг юбилейлари мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида кенг нишонлангани ҳамда бундай хайрли ишларнинг изчил давом этаётгани шак-шубҳасиз истиқлолнинг шарафли йўлидаги эзгу юмушлардир. Рўза ва қурбон ҳайитларининг кенг тарзда байрам қилинаётганлиги, юртимиз фуқароларининг муборак ҳаж сафарига бориб келишлари учун имкониятлару қулайликлар яратилганлиги беқиёс аҳамиятга эга бўлди. Чунки мафкура майдонида кечаётган курашларга қарши фуқароларимизнинг онг ва шуурини уйғотиш, зарарли таъсирлардан ҳимояланишга қодир, билимли, реал воқеликни тўғри англайдиган, маънавий-руҳий олами бой, Ватан, миллат, инсоният тараққиётига хизмат қиладиган шахс тарбияси бу борадаги мафкуравий позициямизнинг ана шундай аниқ ва пухта бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз қадриятларини улуғлаган, улардан фахрифтихор этган авлод ҳар хил мафкуравий тажовузларга алданмайди.

Муборак ўн беш йиллик тўйини ўзгача руҳда зўр тантана қилишга ошиқаётган азиз юртимиз, қадрли юртдошимиз, бахтимиз бут бўлсин, истиқлолимиз завол кўрмасин!

Наим ОБЛОМУРАДОВ, тарих фанлари доктори, Исломжон ЁҚУБОВ, филология фанлари номзоди, доцент.

Аскарларимиз ҳаётидан

Танги — Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоқларидан бири. Табиати хушҳаво, тоғ ёнбағрида жойлашган. Туман марказидан анча олисда. ҳовлилар ҳам бир-биридан узоқроқ, тарқоқ. Қўшнингни бақириб-чақирсанг ҳам эшитиши даргумон. Бу ерларга машинада бориш ҳам мушкул. Нотекис йўлларда фақат от-улов асосий транспорт воситаси ҳисобланади.

ЭРГАШ БОБО ЧЕГАРАЧИЛАРДАН МИННАТДОР

2005 йилнинг ёзида, пешин маҳали Камолиддин буваси Эргаш бобо билан далада сомон йиғиштираётганди. Тўсатдан заҳарли илон Камолиддинни чақиб олди. Қишлоқнинг ғўр йигити беихтиёр илонни босиб олган экан...

Набирасининг тўсатдан дод-войини эшитган Эргаш бобо аввалига ҳайрон бўлди, воқеани англагач эса, нима қилишини билмай, бир зум анграйиб қолди. Кўз олдида суюкли набираси ўлим билан аёвсиз олишиб, тўлғанарди. Энг яқин одаминг дарддан қийналиб турсаю, сен унга ҳеч бир ёрдам кўрсатолмасанг...

Эргаш бобо ҳозир худди шундай ҳолга тушганди.

Бу пайтда Шеробод чегара ҳудудида жойлашган «Хатак» постининг бир гуруҳ ҳарбийлари кундалик юмуши — ўзларига бириктирилган ҳудуд атрофини кўздан кечиришаётганди. Чўкаётган одам хасга ҳам ёпишади, деганларидек, бува ҳарбийлар томон югурди.

Чегарачилар аскарларга хос ҳаракат қилишди. Шошилинч равишда Камолиддинни туман марказий шифохонасига етказишди. Унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Навқирон йигит бугун, ҳеч нарса бўлмагандек, бобосининг хизматини қилиб юрибди.

Фалокат келса, қўша келади деганларидек, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Эргаш бобонинг термизлик невараси Отабек ҳам зиравор гиёҳлар териб юрганида тоғдан қулаб тушди. Ўнг қўли ва қовурғасидан қаттиқ жароҳатланди. Ўзига келганида эса у мустақил ҳаракатлана олмаслиги маълум бўлди.

Бу сафар ҳам чегарачилар ёрдамга етиб келишди. Отабекнинг қил устида турган ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳозир бобонинг иккала невараси ҳам дуркун ўсаяпти. Бир оилага кетма-кет ёғилган фалокат чегарачиларнинг инсонийлиги туфайли тўлиқ бартараф этилди.

— Аскар ўғилларимдан жуда миннатдорман, — дейди тангилик Эргаш бобо кўзларида қувонч ёшлари милтиллаб. — Агар болаларимдек азиз бўлиб қолган шу меҳрибон чегарачилар бўлмаганида, невараларимнинг ҳоли не кечган бўларди? Айни қариган чоғимда, айрилиқ азобини кўтара олмасдим. Ҳарбий ўғилларим ўзларининг беминнат ёрдамлари билан нафақат невараларимнинг, балки менинг ҳам ҳаётимни сақлаб қолишди. Оилам бошига ёғилган фалокатни аритишди. Фаровон ва бахтиёр дамларимизни яна қайтариб беришди.

— Бизнинг вазифамиз нафақат чегарани қўриқлаш, балки, биринчи навбатда, юртимизнинг ҳар бир фуқаросига қўлдан келганча ёрдам беришдир, – дейди «Хатак» чегара пости командири, катта лейтенант Бахтиёр Исаев. — Халқимизга ёрдамимиз тегаётганидан, шу юртга хизмат қилаётганимиздан фахрланамиз. Халқингга кераклигингни ҳис қилиб яшаш қандай яхши. Бу ҳисни туйиб яшаш ҳар бир ўзбек аскарига насиб этишини тилайман.

—Тангиликлар у-бу масалада ёрдам сўраб бизга тезтез мурожаат қилиб туришади, — дея командирининг гапини давом эттирди кичик сержант Фарҳод Турсунов. — Биз ҳам имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Туну кун бизга ажратилган ҳудудни айланиб юрганимизда, кунда-кунора турли ҳолатларга дуч келамиз. Кимнингдир моли йўқолса ёки кимнингдир оти бирор кўлда ботиб қолса ҳам бизга мурожаат қилишади. Бундай ҳолатларга бефарқ қараб туриш биз, ўзбек чегарачиларига ярашмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам халқимизга ёрдам беришга, кунимизнинг ҳар бир соати, дақиқаси тинчосуда ўтишини таъминлашга масъулмиз.

Аслида ҳам ўзбек аскари ўз юрти, халқи учун шундай хизмат қилмоғи керак.

Юнус БЎРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Эргаш бобо невараси билан чегарачиларга миннатдорчилик билдирмоқда.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Қишлоқ ҳаёти» 11 август. Улуғбек Жумаев «Замон билан ҳамнафас»:

« — Ишимиз бизни худди магнит сингари ўзига тортадиган бўлиб қолди, — дейди корхонанинг энг илғор ишчиларидан бири Шариф Исроилов. — Маошимиз кам эмас, ойига юз-юз эллик минг сўмдан ошириб ойлик оламиз. Бунинг устига, овқат учун алоҳида пул берилади. Сут, қатиқ дегандай... Одамга яна нима керак? Сифатли, унумли ишлашимиз лозим, холос...»

«Моҳият» 11 август. Муртазо Султонов «Қулай, арзон, афзал»:

«Маълумки, автомобиллар томонидан атмосферага бир дақиқада тонналаб заҳарли моддалар чиқарилади. Республиканинг йирик шаҳарларида ҳавони ифлослантирувчи газларнинг катта миқдори автомобиллар ҳиссасига тўғри келиши фикримиз исботидир. Автотранспортда газдан муқобил ёнилғи сифатида фойдаланиш экологияни яхшилашга хизмат қилади».

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 11 август. Бўритош Носирова «Яхшилик — ўчмас чироқ»:

«Ҳар бир даврнинг ўз сўзи ва шиорлари, даъватлари бўлади. Ҳамма даврлардан ҳам қалбини пок асраб, яхшиликлар йўлида хизмат қилиб, шогирдлар тарбиялаб, элу юртни севиб ўтиш осон эмас. Бу — инсондан ирода ва эътиқод талаб қилади. Самад Қодиров ана шундай саботи ва эътиқоди улуғ инсон эди».

«Хабар» 11 август. «Мустақиллик сизга нима берди? Сиз-чи, сиз унга нима бердингиз?»:

Мирмуҳсин Миркаримов

«Ўтган 15 йил ичида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида янги-янги қирраларини намоён этган ҳолда, тубдан ўзгарди. Кўпгина халқаро ташкилотлар, тараққий этган давлатлар билан ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик муносабатлари ривожланиб бормоқда».

Улуғбек Исмоилов

«6 нафар малакали ходимни ўзида бирлаштирган Биллинг марказида, компьютер техникаси ва локал тармоққа хизмат кўрсатувчи ходимлар иш олиб бораётган жойларда, қолаверса, бевосита филиалнинг ўзида ҳам кейинги йилларда рўй берган ўзгаришлардан кўз қувнайди.

Ана шу олий ишонч, ёруғ ва устувор бир умид Истиқлол шодиёналарига пешвоз чиқишга шайланиб турган барча юртдошларимиз қалбида мавж уриб тургани шубҳасиздир».

«Огоҳ» 11 август. Шерзод Худойбердиев «Эъзоз-эҳтиромга лойиқ ўзингиз»:

«Мен 17 ёшдан бери погон тақаман, эҳтимол, орангиздан қайси бирингизни хафа қилгандирман, кимнидир ноҳақ, баъзан эса кимнидир ҳақ. Лекин нима бўлганда ҳам сизларнинг тўғри бўлишингизни истаганман. Тўғри ва ҳалол ишлаш керак, Ватанга хизмат қилиш керак, Ватан бизга ишонади. Бойлик орттирган одам обрў орттиролмайди. Сизларга яна бир марта раҳмат!»

СУВДАН ҚУРУҚ

Водий томонларда «перечисленичи фирма, перечисленичи фалончи» деган атама сўзлашув муомаласига кирганига бир неча йил бўлибди. Яқинда эса, шундай фирмалар билан боғлиқ бутунлай янги термин эшитдим: «камикадзе». Яъни, таржимада «шаҳид». Ишни бошқалар қилаверади, пулни нақдлаштириб миллионларни ўмараверади, уларнинг ўрнига бошқа бировлар — камикадзелар жавобгар бўлиб судда жавоб бераверади ва... енгилгина жазо билан қутулиб кетаверади. Керак бўлса, яна судланаверади. Янаям тушунарли бўлсин учун — «бир ойлик» фирмалар ана ўшаларнинг номига очилади. Пулни нақдлаштирадиганлар — ана шу фирмани очганлар, жавоб берадиганлар — фирма унинг номига расмийлаштирилган кишилар.

Нима бўпти, паспортини беради, унинг номига фирма очишади, бу ойма-ой оғзаки шартномадаги «маоши»ни олиб юраверади, мабодо фирманинг ишкали чиқиб қолса, терговга, судга бу қатнайверади, охирқибат суд энг кам ойлик иш ҳақининг мунча юз баравари миқдорида жарима солади. Бир-икки ойда бирнеча миллиард сўм «ишлаган» фирма учун бу — денгиздан томчи-ю, кўпинча суднинг мана шу қарори ҳам ижросиз қолиб кетади: судланувчининг яшаш манзилидаги суд ижрочиси унинг уйига бориб шароити билан танишади ва судланувчининг жаримани ва бўйнига илинган 50-60 миллион сўм давлатга етказилган зарарни қоплаш учун на маблағи, на машинаси, на бошқа буюмлари йўқлигини баён қилиб ҳукм чиқарган судга жавоб ёзиб юборади. Тамом. Қонунда белгиланган барча амаллар бажарилди. Энди, яна олға!

Судланган қаҳрамонимиз номига янги фирма очилади, агар у «камикадзе» бўлмаса, янги фирмани ўзи очаверади. Чунки суд ҳукмида у қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан — мансабдорлик лавозимида ишлашдан маълум муддатга маҳрум этилмаган. Судья инсонпарварлик нуқтаи назаридан мурувват кўрсатган — жарима ё амнистияни қўллаш билан чекланган. Натижада, қарабсизки, қаҳрамонимиз уч-тўрт ойдан кейин яна прокуратуранинг терговчисига жавоб бериб, сўнг «лип» этиб суднинг қора курсисига ўтираяпти. Таниш-да, сира кўрқинчли жойи йўқ. Яна ўша аҳвол — амнистия, жарима. Қонунда, бир марта амнистия қўлланган шахсга яна шундай жиноят учун такроран бу акт қўлланилмайди, лекин... терговчи айблов хулосасида «муқаддам судланмаган» деб ёзади, судга раислик қилувчи эринадими, терговчига ишонадими ёки унинг гапини икки қилгиси келмайдими, судланувчининг муқаддам судланган-судланмаганини суриштириб ўтирмайди, амнистияга биноан жазодан озод этади. Ура! Яна у эркин қуш. Энди у учинчи янги фирмани очади ва яна ўша иш — пулни нақдлаштириш. Албатта, назоратчилар етарли ва бу шароитда у яна албатта «қўлга тушади». Икки йил ичида учинчи марта тергов ва суд... Ва яна, жарима. Гарчи муқаддам икки марта судланган бўлса ҳам, қонунларда унга нисбатан учинчи марта ҳам жарима жазосини қўллаш билан чекланишга модда ва бандлар топилади, аниқроғи, топишади. Излаган топади-да.

Шу тариқа, судланувчининг зиммасидаги ҳар суд ҳукмидаги «фалончидан давлатга етказилган 70-80 миллион сўм зарар ундирилсин» деган ёзув ҳукмда қолаверади. Учта ҳукм бўйича у жами 150 миллион сўмга яқин зарарни тўлаши керак. Лекин тўламаган, тўламайди ҳам. Ва бу қонуний... эмиш!

Шу жойгача ўқиб келган айрим газетхон «бу мухбир намунча алаҳсирайди, нега бунча ҳис-ҳаяжонга берилиб қуруқ гап билан тизимнинг обрўсига путур етказяпти» деб ғижиниб турган бўлса ажаб эмас. Шошилманг, биродар, мана бу биргина мисол билан танишинг, Ўзингиз ҳам ўйланиб қолмасангиз, муаллифни айблаш ҳовуридан тушмасангиз, мен кафил.

*«Ҳукм. Ўзбекистон Республикаси номидан. 2004 йил декабрь ойининг 24 куни Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик этувчи П. Маматусмонов, томонлардан прокурор ёрдамчиси Б. Мамажонов... ЖК 184-моддасини 3-қисми ва 189-моддасини 3-қисми билан Мамажонов Азиз Абдураҳмоновични айблаш ҳақидаги жиноят ишини кўриб... Мамажонов Азиз Абдураҳмонович 09.08.1980 йилда Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида туғилган, маълумоти ўрта, оиласиз, «Эвридей сервис» МЧЖ раҳбари, **муқаддам судланмаган**, (таъкид бизники — Ҳ.О.), иш бўйича гаровда очиқда...» «Суд мажлисида сўралган гувоҳ Э. Холматов ўз кўрсатмасида, Қўқон шаҳар ДСИ бўлими бошлиғи вазифасида ишлашини, «Эвридей сервис» МЧЖда ўтказилган текшириш юзасидан жами **2 миллиард 410 миллион 484,4 минг сўм**лик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, ушбу пул маблағлари банк муассасасига топширилмаганлиги, НКМга кирим қилинмагани учун 653,0 минг сўм бюджетга қўшимча ҳисобланганлиги... солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан **58.665.100** сўм тўланиши шартлиги аниқланганлиги...ни кўрсатди».*

«Ҳукм қилади: Судланувчи А. Мамажоновга... амнистия тўғрисидаги 2004 йил 1 декабрдаги Фармонини 2-моддаси татбиқ этилиб, жазо тайинламасдан жазодан озод қилинсин... гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилиниб, унга нисбатан қўйилган 200.000 (икки юз минг) сўм гаров пули гаров қўювчи Пўлатов Мансур Меликўзиевичга қайтарилсин. Иш бўйича далилий ашё сифатида олинган 55.649.877 сўмлик товарлар зарарни қоплашга қаратилсин».

55 миллион сўмликдан ортиқ бу товар — электрогенераторлар экан.

— Зарар қопланганми, қизиқдингизми? — сўраймиз судга раислик қилган судья Пўлат Маматусмоновдан.

— Ҳали ҳаммаси сотилмаган, — дейди у.

Қўқон шаҳар суд ижрочилари бўлинмасида эса асл ҳақиқатни билдик: зарарни қоплаш учун «Наргиз» хусусий дўконига сотувга қўйилган электрогенераторларнинг «ҳали ҳаммаси» эмас, бир донаси ҳам сотилмаган ва бир сўмлик ҳам зарар қопланмаган. Суд ҳукмидан сўнг эса орадан бир ярим йилдан ортиқ вақт ўтди, судья жим, ижрочилар ҳам бемалол — қонунда назарда тутилган бирон-бир ҳаракат бажарилмаган...

Сотилмагани сабаби — қиммат ва шу ўринда мусодара қилинган молни 55 миллион сўмлик зарар миқдорига етказиш учун умуман сотилмайдиган даражада қимматга баҳолатган терговчи Р. Хўжаназаровга ҳам тасанно айтиш лозим...

Бундан ҳам қизиғи бор. Яъни, юқоридаги ҳукмда «муқаддам судланмаган» дейилган ва ушбу суд актида айнан шу иккита сўз борлиги шарофати туфайли амнистия қўллаб жазодан озод этилган А. Мамажонов... мураислик қилган суд мажлиси чиқарган ҳукмдан: «Жами бўлиб ХОТАБ «Универсалбанк» Тошкент ва Қўқон филиалларининг мониторинг маълумотларига асосан «Osanna» раҳбари А. А. Мамажонов ва гуруҳ аъзолари томонидан инкассация қилинмаган пулларнинг миқдори **939.569.000** сўмни ташкил қилган. ...фирмасининг бутун фаолияти даврида солиққа оид товар пул айланмасини яшириб, шу билан фойдани қасддан қамайтириб, солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, «Osanna» МЧЖнинг хўжалик молиявий фаолиятига доир барча ҳужжатлар, мухрлар ва штампларни йўқ қилган». Ҳукм: «Мамажонов Азизжон Абдураҳмоновичга ...амнистия тўғрисидаги 01.12.2003 йил эълон қилинган Фармоннинг 2-моддаси қўлланилсин ва унга нисбатан жазо тайинламасдан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми, 184-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор қаддам, бор-йўғи ўн ой олдин, биринчи маротаба 2004 йил 11 февралда Тошкент шаҳар Миробод тумани суди томонидан судланган. Яна, айнан юқоридаги ҳукмда кўрсатилган иккита модданинг айнан ўша иккита банди билан. Яъни, «Osanna» фирмасининг раҳбари лавозимида ишлаб, айнан ўша фаолият — пулни нақдлаштириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлагани учун. Судья С. Якуббекова

Эсиз, ишонч, эсиз, лавозим

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 25 июль кунги сонида эълон қилинган «Раҳбарнинг оёғи ердан узилса, жиноятга йўл очилади, ишончга путур етади» сарлавҳали мақолага кўзим тушиб, худди замонавий детективдан парча ўқигандай бўлдим. Афсуски, Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Холбой Рамазонов бадиий образ эмас, унинг кирдикорлари баёни ҳам ҳақиқат. Рамазоновнинг шундоқ ривожланиш даврида ўз лавозимини суиистеъмол қилгани, билдирилган ишончни барбод этгани ҳар қандай кишининг нафратини қўзғайди. Аммо холисона фикрласак, Х.Рамазоновга ўхшаганлар атрофимизда йўқми?

Акс-садо

Бир марта бериладиган умрни ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормай мол-давлат топиш, бошқалардан фарқли, шоҳона яшаш орзу-ҳаваси билан нафс урчуқларига чирмаб қўяётганлар, афсуски, ҳамон мавжуд. Ўз мансабини суиистеъмол қилиб, одамлар ишончини оёқости қилувчиларнинг терроччи-ватанфурушлардан нима фарқи бор? Ҳаллолик, сахийлик, бировга бетама яҳшилик қилиш каби қадриятларимиз инсонлигимиз, одамийлигимизнинг устунлари эмасми? Рамазоновни тарбиялаганлар ким? Ота-онаси, ўқитувчилари, бирга ишлаган ҳамкасблари, уни раҳбарлик лавозимига тавсия этганлар қани? Ахир бундайлар осмондан тушмайди-ку.

Назаримизда, мақоланинг тарбиявий қимматини ошириш, иллатлар мантиғидаги хатоликларни фош қилиш, жойларда яна шаклланиб келаётган «Рамазоновлар»ни тўғри йўлга солиш таъсири ҳақида ҳам ўйлаш керак.

Ҳозир суд-ҳуқуқ тизими либераллаштирилаяпти. Агар жиноятчи қонунбузарнинг атрофидагилар ҳам жамоавий муҳит ва вазиятни ҳисобга олган ҳолда қора курсига ўтқазиб сўроқ қилиниши қонуний чора сифатида белгиланса, нима бўлади? Биз ҳар биримиз, аввало, ўзимизни, шу билан бирга, атрофдагиларни назорат қилиб боришимиз керак-ку.

Президентимиз жуда кўп чиқишларида, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам раҳбар ва миллат тарбиясига катта эътибор қаратиб, куюнчаклик билан мулоҳаза юритгандилар. Мазкур маърузада «Сиз, муҳтарам депутатлар, қонунларни қабул қилар экансиз, уларнинг ижроси билан ҳам қизиқишингиз, керак бўлса, тегишли мутасадди раҳбарлардан, биринчи навбатда, ижро ҳокимиятидан шуни талаб қилишингиз лозим», деб таъкидлагандилар. Шу туфайли бундай номақбул ҳолатларга депутатлар халқнинг вакиллари сифатида масъулдирлар.

Агарки, ҳуқуқий жамият пойдеворини мустаҳкамламоқчи бўлсак, ишни тарбиядан, ҳулқу одобдан бошласак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Олимжон ҚАМЧИБЕКОВ,
Анваржон НАСРИТДИНОВ,
Акмалхон УМАРОВ,
Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
ЎзХДП Наманган вилояти кенгаши масъул ходимлари.

Футбол

Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган жамоалар 19-тур учрашувларини ўтказдилар.

«Хоразм»нинг антирекордлари

Мавсумни жуда суст ўтказаётган «Хоразм» жамоаси ўз дарвозасига тўп ўтказиш бўйича ҳам рекорд ўрнатмоқда. Улар ушбу турда анъанасига содиқ қолишди. «Пахтакор»ни ўз майдонида қабул қилган воҳалик футболчилар 1:9 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Бу мағлубият вилоятнинг олий лигадаги ягона жамоасининг кучлилар сафида қолиш имкониятини янада пасайтириб юборди.

Чемпионатнинг яна бир аутсайдери — «Сўғдиёна» жамоаси ҳам пастга шўнғишда давом этмоқда. Жиззахлик футболчилар Муборакда «Машъал»га 0:3 ҳисобида енгилишди. «Металлург» жамоаси ҳам имкониятидан паст ўйин кўрсатаяпти. Пойтахт вилояти вакиллари ўз майдонида «Трактор»дан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрагани фикримизни тасдиқлайди. Аксинча, биринчи давра ўйинларини бўш ўтказган «Самарқанд-Динамо» иккинчи давра беллашувларини муваффақиятли бошлади. Бу сафар у «Тўпаланг»ни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида зафар қучди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор-Н» — «Локомотив» 3:0, «Бухоро» — «Андижон» 0:0, «Қизилқум» — «Насаф» 0:0, «Нефтчи» — «Шўртан» 2:1.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

19-турдан сўнг турнир жадвали қуйидагича кўриниш олган:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	**19**	**17**	**1**	**1**	**47-4**	**52**
«Нефтчи»	**19**	**14**	**1**	**4**	**39-17**	**43**
«Насаф»	**19**	**13**	**4**	**2**	**41-20**	**43**
«Машъал»	19	10	4	5	21-17	34
«Навбаҳор»	19	9	4	6	23-18	31
«Трактор»	19	9	3	7	31-27	30
«Андижон»	19	7	5	7	29-26	26
«Қизилқум»	19	7	5	7	25-25	26
«Локомотив»	19	7	5	7	23-35	26
«Самарқанд-Д»	19	7	2	10	21-27	23
«Тўпаланг»	19	7	2	10	23-30	23
«Бухоро»	19	6	4	9	19-18	22
«Шўртан»	19	6	2	11	24-30	20
«Металлург»	19	4	5	10	21-25	17
«Сўғдиёна»	19	3	2	14	8-28	11
«Хоразм»	19	0	3	16	15-69	3

ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ НОМИДАГИ
ЎЗБЕК-ҲИНД АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ

қуйидаги йўналишлар бўйича ўқув курсларига қабул эълон қилади:

- **ахборот технологиялари бўйича бошланғич курс (144 соат/6 ҳафта);**
- **Linux операцион системаси курси (64 соат/4 ҳафта).**

Ўқув курсларини Ҳиндистоннинг C-DAC ташкилоти ўқитувчилари инглиз тилида олиб борадилар. Ўқув курсини тугатганларга C-DAC ташкилоти ва ТАТУ номидан махсус диплом берилади. Ўқув курсининг бошланиш муддати — 2006 йил 15 август.

Ўқув курсининг мазмуни ва тўлов масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 700084, Тошкент ш., Амир Темур к., 108-уй, Жавоҳарлаъл Неру номидаги ўзбек-ҳинд ахборот технологиялар маркази. Телефон: (99 871) 135-08-43. E-mail: saidiev@tuit.uz

3061R/1464

Йўлдош Охунбобоев номидаги
Республика ёш томошабинлар театри
«ДРАМА АКТЁРИ»

мутахассислиги бўйича икки йиллик театр-студиясига 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдодли йигит ва қизларни бепул ўқишга қабул қилади.

Битирувчиларга сертификат берилади ва энг яхшилари театрда иш билан таъминланади.

Сизни 2006 йил 10-20 август кунлари соат 11.00 да театр биносида кутамиз.
Учрашувга паспорт нусхаси, 2 та 3х4 см. фотосурат ва ариза билан келиш керак.

Манзил: Тошкент ш., Абдулла Қодирий к., 13-уй.
Телефонлар: 144-75-94, 144-75-98, 144-86-17.
Веб сайт: www.tuz.netfirms.com
Email: osalimov@yandex.ru

3061R/1465

Савдоларга оммавий оферта орқали банкрот корхона —

«Техтаъминот» ОАЖнинг

мол-мулклари қўйилади.

Корхона қуйидаги манзилда жойлашган: **Ангрен шаҳри, Дзержинский кўчаси, 14-уй.**

Корхонанинг бозор баҳоси — **1 243 229 394 сўм.**

Корхонанинг мол-мулклари объектларга бўлинган, улар савдоларга алоҳида ЛОТларда қўйилади.

Объектларнинг сотиб олиш баҳоси бўйича таклифларни юридик шахслар раҳбар ва бош ҳисобчининг имзоси ва муҳр билан, жисмоний шахслар имзо, паспорт нусхаси ва СТИРни кўрсатиб, муҳрланган конвертларда қуйидаги манзилга юборишлари лозим: **110200, Ангрен шаҳри, Дзержинский кўчаси, 14-уй.**

Конвертлар комиссия томонидан 2006 йил 12 сентябрь куни соат 10.00да «Техтаъминот» ОАЖнинг маъмурий биносида очилади.

Олди-сотди шартномалари объектларга энг юқори баҳони таклиф этган шахслар билан тузилади.

Объектлар ҳақидаги тўлиқ маълумотни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: **382-89-14, 8-266-2-31-21, 8-266-3-38-14.**

ЛОТ-1. Бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар.

Бозор баҳоси — 714 737 351 сўм.
Мазкур объект мулкий мажмуа сифатида савдоларга қўйилади.
Умумий майдони — 13,2 га.

Қисқача тавсифи
- *икки қаватли маъмурий бино, майдони 490 кв. м.;*
- *майдони 178,8 кв. м. ва 67,2 кв. м.лик икки томонида бостирмали, 2 та бир қаватли ғиштли бино;*
- *икки томони бостирмали, икки қаватли ғиштли бино, майдони 179,1 кв. м.;*
- *2 та бостирма;*
- *майдони 840 кв. м. ва 382,8 кв. м.лик иккита бир қаватли бино;*
- *бостирмали икки қаватли ғиштли бино, майдони 39 кв. м.;*
- *бир қаватли бино, майдони 50 кв. м.;*
- *майдони 1720,3 кв. м., 1603 кв. м., 1603,9 кв. м. бўлган бир қаватли № 1, 2, 3 омборхона бинолари;*
- *бир қаватли гараж биноси, майдони 122,9 кв. м.;*
- *омборхона-бостирма, майдони 2020,8 кв. м.;*
- *техника хавфсизлиги будкаси.*

Бошқа объектлар
26 номдаги асосий воситалар, 3292 п/метрли темир йўл керакли ускуналари билан, 500 метр асфальт-бетон йўл, 1581 метрлик темир-бетон девор, 463 метр ер ости электр тармоғи, 643 метр сув узатиш тармоғи.

ЛОТ-2. Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси.

Бозор баҳоси — 96 848 895 сўм.

Қисқача тавсифи
- *майдони 41,3 кв.м. бўлган бино;*
- *15 номдаги асбоб-ускуналар.*

ЛОТ-3. Ёнилғи-мойлаш материаллари омборхонаси.

Бозор баҳоси — 359 520 062 сўм.

Қисқача тавсифи
- *умумий майдони 546,7 кв. м. бўлган 8 та бино;*
- *узунлиги 1718 метр бўлган асфальт йўл;*
- *узунлиги 320 метр бўлган темир йўл;*
- *узунлиги 466 метр бўлган темир тўсиқ;*
- *110 номдаги асбоб-ускуналар ва резервуарлар.*

ЛОТ-4. 4-сонли омборхона биноси.

Бозор баҳоси — 47 080 000 сўм.

Қисқача тавсифи
Умумий майдони — 987,2 кв.м., қурилиш ҳажми — 6219,1 куб.м., бир қаватли, темир-бетон конструкциялардан қурилган.

Лот-5. Автотранспорт воситалари.

Бозор баҳоси — 4 785 600 сўм.
- *«МАЗ-53371» русумли автомашина, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AD 199, кузови — юк-бортли, соз ҳолда;*
- *тиркама (прицеп) 2 тн.гача ЗпТС, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда;*
- *тиркама 2 тн.гача 2пТС, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда.*

ЛОТ-6. Автотранспорт воситалари.

Бозор баҳоси — 5 164 300 сўм.
- *«ЗИЛ-431412» русумли автокран, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AD 932, соз ҳолда;*
- *тиркама 2 тн.гача 2пТС, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда.*

ЛОТ-7. Автотранспорт воситалари.

Бозор баҳоси — 2 992 100 сўм
- автоюкловчи ДВ 1733, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда;
- автоюкловчи ДВ 4014, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда;
- автоюкловчи ДВ 40814, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда.

ЛОТ-8. Автотранспорт воситалари.

Бозор баҳоси — 4 843 700 сўм.
- *«Кавз-5376» русумли автобус, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AD 195, соз ҳолда;*
- *«ГАЗ-3307» русумли автомашина, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AD 198, соз ҳолда.*

ЛОТ-9. Тракторлар.

Бозор баҳоси — 11 474 800 сўм.
- *«Т-150» русумли трактор, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда;*
- *«Т-150» русумли трактор, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда;*
- *тиркама 2 тн.гача 887 Б, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда;*
- *тиркама 2 тн.гача 887, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда.*

3076R/1487

Журналист таҳлили

ЧИҚАЁТГАНЛАР

қайта-қайта судланиб авф этилиш мумкинми ?

деб топилсин. Мамажонов А. А.дан давлат даромадига **93.678. 325** сўм ундирилсин...»

Мавжуд қонун-қоидаларга кўра, катта миқдорда пул ўтказилаётганда банк мутасаддиларининг «Қаерга, нима учун?» деб суриштириш ҳуқуқи ва мажбурияти бор. Бироқ, юқоридаги иккала жиноят иши бўйича айланган бир неча миллиард сўмлар «Универсалбанк»нинг Тошкент ва Қўқон филиаллари орқали амалга оширилгану, улар шунчаки «томошабин» бўлиб тураверган. Аслида ҳам шунақамикин?..

Йилнинг бошида судланган одам, суд ҳукмининг сиёҳи қуримасдан туриб — февралнинг ўзида янги номда фирма очиб, йилнинг охирида яна шу жиноят билан айбланувчи тариқасида прокуратурада, сўнг суднинг қора курсисида бош эгиб ўтирганида, Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган ҳужжатга «муқаддам судланмаган» деб ёзиб, жазодан озод қилиб юборишни қандай тушуниш мумкин. Ҳолбуки, суд қўллаган мазкур амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 8-бандида амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмаслиги аниқ-тиниқ таъкидланган.

— Ҳукмда Мамажоновни «муқаддам судланмаган» дебсиз, у ўша йилнинг бошида судланган экан-ку? — сўрайман судья Маматусмоновдан.

— Бу менинг ишим эмас, терговчи айблов хулосасида шундай ёзган, — дейди судья.

Унда ҳукмни ҳам терговчи ёзиб қўяқолмабди-да, судьяни овора қилмасдан...

Қўқон шаҳар прокуратураси терговчиси Раҳмон Хўжаназаров ҳозир Қувасой шаҳар прокуратурасида ишлаётган экан. Телефон орқали суҳбатда у А. Мамажонов муқаддам судланмагани тўғрисидаги маълумотни Ички ишлар вазирлиги ахборот марказидан эмас, вилоят Ички ишлар бошқармасидан олганини, агар гумон туғилган тақдирдагина ИИВга мурожаат қилинишини айтди. Қизиқ, терговчи икки бекат наридаги суд ижрочилари бўлинмасида айбланувчисининг муқаддам судлангани тўғрисида маълумот борлиги билан қизиқмаса, гумон қанақа пайтда туғиларкин-а?..

Биз эса қаҳрамонимизга қайтайлик. Орадан ярим йил ҳам вақт ўтмай, 2005 йил ёзида унга Фарғона вилояти, Бувайда туман прокуратурасида жиноят иши қўзғатилибди. Албатта, яна ўшандай фаолияти учун. Энди жиддийроқ жазо олгандир, деб ўйларсиз? Хўроз ҳаммаёқда бир хил қичқиради. Бу гал унга қўйилган айб ниҳоятда салобатли бўлишига қарамай... бир хил гапни майдалайвермай, жиноят ишлари бўйича Учқўприк тумани судининг 2005 йил 22 август ҳукмидаги моддаларни санаб қўяқолайлик: 167-модданинг 2-қисми «в», «г» бандлари, 28-189-моддданинг 3-қисми, 28-209-моддданинг 2-қисми «а» банди, 28-207-моддданинг 2-қисми «в» банди.

Ў-ҳў-ў, тоза босишибди-ку! Ҳаяжонланманг, эрта. Жазо: энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдорида жарима, 2 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш. Вассалом.

Қойилмисиз?

Эътибор берган бўлсангиз, бу жиноят ишида солиқдан яширилган юз миллионларни тўлаш ҳақида гап йўқ. Сабаби, қаҳрамонимизнинг тажрибаси ортган: Тошкент шаҳрида яшовчи Муҳиддинов Гулмиддин билан ҳамкорликда ишлаб, фирмага оид муҳр ва штампларни, ҳужжатларни «йўқотиб қўйишган». Ва бу, эски усул. Ҳужжат бўлмагандан кейин, зарар қаердан ҳисобланади?

Бир қизиқ гап: Г. Муҳиддиновнинг энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдоридаги жиноий жаримасини Шайхонтоҳур туманидаги суд ижрочилари ундирган бўлса керагов, деб суриштирсак... ижро қилиб улгурмасдан туриб у «шеригимдан қолсам, қулоғимни кесаман» дегандек, иккинчи марта — 2005 йил 21 октябрда Янгийўл шаҳар жиноят ишлари бўйича суди томонидан судланибди. Яна ўша «қадрдон» моддалар — солиқдан яшириш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва ҳоказо. Жазо: ***аввалги суд белгилаган жарима қўшилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баравари миқдорида жарима. Яшасин жарима! «Тўланмайдиган» жарима...***

Мана шундай қилиб, асосий қаҳрамонимиз 1,5 йилда уч марта судланди, иккита ҳукмда унга нисбатан жами 150 миллион сўмга яқин зарарни тўлаши лозимлиги «уқтириб» ўтилди. Бу уқтирув, юқорида кўрганимиздек, қоғозда қолаверди. Зарар уёқда турсин, ҳатто суд жазо тариқасида белгилаган энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари — 3 миллион 130 минг сўм миқдоридаги жиноий жарима ҳам бир йил мобайнида ундирилмади ва мажбурининг суриштирувидан кейингина Ўзбекистон тумани суд ижрочилари бўлими унга нисбатан жазо турини ўзгартириш тўғрисида Учқўприк туман судига 2006 йил 19 июнда № 1458-алоқа хати жўнатишибди. Ҳолбуки, бундай ҳаракат суд ҳужжати олинганидан 3 ой ўтгач амалга оширилиши лозим эди... Охирги ҳукмдан сўнг орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтаяпти, ҳозир у янги — тўртинчи фирма бўйича қўлга тушишга ва судланишга тайёргарлик кўриб юрган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нима бўпти, судланаверади-да. Рус мақолида айтилганидек, қўйлар ҳам бут, бўрилар ҳам тўқ...

Дарвоқе, булар — «профессионал» судланувчилар қанақа офтоб тушмас соябоннинг тагида фаолият кўрсатишмоқдаки, ҳеч нимадан қўрқишмайди, сувдан қуруқ чиқаверишади, етказилган юз миллионлаб сўм зарар уёқда турсин, ҳатто суд белгилаган жиноий жаримани ҳам тўлашмайди. Ва, ҳеч ким индамайди. Нега?

P.S.

Пайқагандирсиз, азиз газетхон, бу мақола алоҳида бир шахснинг жиноий қилмишларига муносиб баҳо берилмагани ҳақидагина эмас, бугунги кунда кенг авж олган бундай қилмишларга нисбатан бўлаётган ҳуқуқий муносабат туфайли пулни нақдлаштириш касали тобора газак олиб бораётгани ва давлат хазинасига тушиши лозим бўлган миллиардлаб сўм зарар ва жиноий жарималар тушмаётгани ҳақидадир. Мақоладаги шахслар «фаолияти» бу воқеликка типик бир мисол, холос...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
«Халқ сўзи»нинг ҳуқуқий масалалар бўйича шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» маълумотларга ишлов бериш марказининг кластер тизимини модернизациялаш ва унга кафолатли хизмат кўрсатиш учун IBM компаниясида ишлаб чиқарилган ускуналарни етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.

Тендерни ўтказишга доир қўшимча маълумотларни ва ариза шаклини олиш учун Ахборот технологиялари бош бошқармаси бош мутахассиси Ольга Леонидовна Блохинага мурожаат қилиш мумкин.

Тендерда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида қабул қилинади.

Мулоқот учун телефонлар: 134-42-86, 134-42-96. Факс: 135-20-90.

E-mail: OBlokhina@central.nbu.com

АТИБ «Ипотека банк» Сергели филиалига тегишли аҳолидан солиқ ва носолиқ тўловларни қабул қилишга мўлжалланган IP серияли тартиб рақами 0746511 дан 0746513 гача бўлган патталар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Садриддин Ҳакимовга отаси

ИДИ бобонинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши жамоаси ташкилот раҳбари — кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази директори Мажид Умаровга падари бузруквори

Ҳамдам ота УМАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

СУРАТ ЭМАС, СИЙРАТГА БОК

(Руҳшунос З.Бўтаев тавсиялари)

Табобатнинг ўлмас қоидаси бор. Табиб бир воситачи холос, дарддан халос бўлиш эса, аввало, беморнинг ўзига боғлиқ. Бир нарса эсимиздан чиқмаслигини истардим: биз ғам-аламга ботсак ҳам, севинчга ғарқ бўлсак ҳам, сабабини ўз-ўзимиздан излайлик. Суратга, яъни ташқи муҳитга кўп ҳам эътибор бераверманг. Зеро, гап суратда эмас, сийратда, бизнинг аҳволи руҳиятимизда, аниқроғи, қалбимизнинг нозик торида. Ана шу мезонни хаёлдан фориғ этмасак, муолажа осон кечади. Биз ичимиздаги душмандан озод бўлмас эканмиз, жамики аъзои баданимизни қамраб олган иллатни енгиб ўтолмаймиз.

Биз жаннат деймиз, дўзах деймиз. Аслида улар сиз билан бизнинг ичимизга яширинган хилқатлардир. Агар бизнинг вужудимизда дўзах макон қурган бўлса, биз қайга бормайлик, ўша дўзахий туйғулар эргашиб юраверади. Ва аксинча, биз жаннат деган маъвога эш бўлсак, қалбимизда эзгулик гул очади, дилимиз беҳишт наволарига тўлиб, ҳамиша сайраб туради. Демак, жаҳаннам ҳам, жаннат ҳам инсоннинг қон томирида, қалб меҳварида мужассам экан.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, сиз билан биз ҳаётимизда кечган, бугун кечаётган ва эрта-индин кечадиган воқеа-ҳодисаларга жавобгармиз, масъулмиз. Бундан чўчимайлик. Энди нима бўлади, деб ваҳима қилмайлик, Зеро, биз бошимизга тушадиган савдоларга гоҳо ўзимиз ҳам сабабчи эканмиз, офтобдай чарақлаган ёруғ кунларимизни-да ўз қўлимиз, ғайратимиз ва истеъдодимиз билан яратишимиз керак. Тақдир бизни эмас, биз тақдирни бошқаришимиз лозим. Ҳадиси шарифда ҳам Тангри Таоло ғайратли бандаларини ёрлақайди, дейилган. Демак, биз ўзимиз учун яхши қисмат, яхши истиқбол яратиш пайида бўлишликни фарз, деб билмоғимиз лозим. Бунинг учун кўп нарса керак эмас. Кундалик турмушимизда асқотадиган оддийгина таомилларга амал қилсак, олам гулистон. Мен сизларга ўшандай таомилларнинг бир-иккитасини эслатиб ўтмоқчиман.

Ўзингизга бир ҳисоб беринг-а. Ҳар куни азонлаб уйқудан кўз очганингизда кўнглингиздан нелар кечади? Қандай хаёлларга борасиз? Янги тонгни зерикарли ва тушкун ўйлар билан қаршилайсизми? Ҳаёт машаққатлари, бу дунёнинг адолатсизлиги, ўзингизнинг ношуд, нотавон эканлигингиз хусусида яна эзгин ўйларга ботиб, ич-этингизни ейсизми? Агар шундай қилсангиз, хатога йўл қўйган бўласиз. Аввало, омон-эсон ётиб-турганингиз учун Яратганга шукур қилинг, мана, яна тонг отди, бугун мени қандай хушхабарлар кутар экан, дея хаёл қилинг. Бугуним кечаги кундан яхшироқ, баракалироқ ва омадлироқ бўлишига ишонаман, деб ўзингизни "Бахтиёр тўлқинларга" созланг! Шоирнинг шеъри ёдингиздадир:

Тонг отмоқда,
мусаффо тонгга
Юрагини тутар
одамлар,
Шу тонг учун
келган жаҳонга,
Ва шу тонг деб
ўтар одамлар...

Бу дунёда тасодифий нарсанинг ўзи йўқ. Барча унсур, воқеа, ҳодисот ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлгани каби интиҳоси ҳам бор. Халқнинг «Экканингни ўрасан», деган нақли бекорга айтилмаган. Ниятинг – йўлдошинг. Агар эртаю кеч хаёлингизни бадбин ўйлар чулғаб тураверса, бир куни бу ўйлар хунук амалларга айланмоғи турган гап. Ахир, азалдан маълум: инсон руҳиятидаги тушкун ҳолат уни соғ қўймайди, онгидаги ёмон хаёллар билан бирлашиб, бир кун ўз ишини қилади. Эсингизда бўлсин, буғдой эккан буғдой ўради, арпа эккан — арпа. Сассиқ алаф экиб (аслида унинг ўзи кўкариб чиқади), буғдой ўраман, деб хомтама бўлманг. Зеро, тоза ариқдан тоза сув оқади, деган гап ҳам бор. Демак, биз хурсандчилик истасак, руҳиятимизни равшан, шууримизни тиниқ тутиб юришимиз лозим.

Жонингизни асрашни ўрганинг. У мурғак гўдак сингари нафис ва тегманозик бўлади. Шундоқ экан, бу жон қушини авайлаб-эъзозлайлик, уни ҳуркитиб юбормайлик, унга озор бермайлик; жон ҳам ўзингиз, жонон ҳам. Бас, сиз бор — жон бор, жон бор экан — сиз барҳаётсиз. У туфайли сийнангизда илоҳий бир туйғу яширин. Бу туйғу — сизнинг жавҳарингиз, яъни аслингиз. Сизнинг аслингиз эса, нури илоҳий, севинч, ижод, яратиш, шижоат, муҳаббат, ҳаёт. Мана шу эсингиздан чиқмаса бас.

Сўзни авайлаб ишлатинг. Тилингизга эҳтиёт бўлинг. Аччиқ сўз айтманг. Бировнинг дилига озор бериб, яхшилик кутманг. Тиғ яраси кетар, тил яраси кетмас. Беҳуда-бекор айтилган ёмон сўз акс-садо бўлиб, тағин маломатчининг бошига қайтгай. Совун ҳам иссиқ сувда яхши кўпиради. Яхши сўзга туя ҳам тиз чўкади. Тилингиз ширин бўлса, дунёнинг шодлиги сизни излаб келаверади.

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, дейдилар. Ўзгалар фикрига қулоқ солинг. Фақат менинг гапим тўғри, мен ҳақман, деган нодондан ҳазар. Шоҳ Машрабнинг оловли байтларини гоҳо-гоҳо мутолаа қилиб, мағзини чақиб туринг: "Мужтаҳиднинг ўғли бўлсанг, соҳиб кароматман, дема!"

Ҳаёт — бу азалий ва абадий мактаб. Ундан сабоқ олиб, чарчаманг. Ҳаётдаги илғор, одамларга нафи тегадиган удумларни ўзлаштиринг. Ўтмишдаги ҳамма нарсага ҳам тақлид қилиш шарт эмас. Замоннинг зайлига қарамасангиз, хижолатда қолишингиз мумкин. Бинобарин, кўпчилик юрган тўғри йўлдан юраверган маъқул. Ён-атрофингиздаги биродарларингизни имкон қадар эзгуликка элтувчи манзил сари етакланг. Бировга чоҳ қазигунча, дўстингизга уй солиб беринг.



Ва ниҳоят, сўнгги маслаҳатим. Юрак амрига қулоқ солинг. Кўнглингиз сизни алдамайди. Кўнгилнинг кўчаси кенг, дейдилар. Кўнглингиз сизни обод, равон, чароғон кўчаларга бошласин. Бу эса, ўзингизга боғлиқ: суратга камроқ, сийратга кўпроқ эътибор берсангиз, бас, мақсадга етасиз. Бунга мутлақо иймоним комил.

Инсон ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Ўзи ҳам гўзал бўлиб юришга интилади. Гарчанд, Муҳайёхон Ҳаитбоева Андижондаги саноат коллежида таҳсил олсада, гўзаллик билан, санъат билан ҳам ҳамқадам. У ижро этадиган мумтоз рақслар томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Коллежда ўтказиладиган тадбирлардаги иштироки сабаб Муҳайёхон вилоят маданият ва спорт бошқармаси тасарруфидаги "Мерос" дастаси ижодкорларининг эътиборига тушди.

— Ҳозир устозим билан янги рақс устида ишлаяпмиз, — дейди ёш рақҳоса. — Энг сара рақсларимни Мустақиллик байрами олдидан вилоятимизда бўлиб ўтадиган тантаналарда ижро этиш ниятим бор.

СУРАТДА: Муҳайёхон Ҳаитбоева.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

GURUNG

Самарқандда бир мусофир тижоратчи бўларди. У анча йил бурун Сайҳун бўйидаги Ясси шаҳридан келган, савдоси юришган, Самарқандда муқим яшаб қолган эди. Орадан шунча йил кечган бўлса-да, мусофир бу азим шаҳарга сингиб кетолмади.

Улуғбек жилмайди

Маҳаллий корчалонлар, хусусан, тижорат аҳли унга ёт кўз ила боқар, икки гапнинг бирида уни "ўзбак, сахройи" дея камситарди. Бундай маломатлар алал-оқибат мусофирнинг хўрлигини келтирди. У ўз юртига қайтмоқчи бўлди. Ўша давр удумига кўра, номдор тужжорлар фақат ҳукмдорнинг ижозати билангина кўчиб кетиши мумкин эди. Ана шу таомилга риоя қилиб, савдогар бир куни султон Улуғбекнинг олдига борди. Ўзини таништирди, сўнг арзи ҳол айтди:

— Шоҳим, сиз муҳтарам зоти шарифнинг сояи давлатларида салкам йигирма йил умргузаронлик қилдик. Биримиз икки бўлди, мингимиз туман бўлди. То умримиз заволигача Самарқанди зебода кечган кунларимизга шукрона айтиб ўтгаймиз. Энди бу ожиз қулингизга ижозат берсангиз. Бир сиқим тупроғимиз туққан элимизга буюрса. Омонатни падари бузруквор ила волидаи меҳрибон дафн этилган Яссида топширсак...

Улуғбек ўткир ақли билан бу тужжорнинг нимадандир қаттиқ норозилигини, аммо айтолмай турганини сезди.

— Сабр айланг, эй мусофир, — деди Улуғбек, — ўзларига бир ҳафтадан сўғин рухсати олий бергаймиз.

Эртасига Улуғбек бомдод номозини адо этди-ю, қабатига уламо-ю умарони олиб, йўлга тушди. У яссилик савдогарнинг дўконини кўзлаб борарди. Улуғбек ўз одатига кўра, обдон бозор айланди, расталарни бирма-бир томоша қилди. Нарх-навони суриштирди. Олдида йўрғалаб юрган шаҳар доруғасию муҳтасибга йўриқномалар берди. Ва саёҳатнинг охирида ўша мусофирнинг дўконига борди. Тужжор билан эски танишлардек сўрашди, савдо-сотиғини суриштирди, неки мушкулот туғилса, мана, доруға сизга кўмак бергай, дея ҳокимга ишора қилди. Сўнг отига миниб, дарров жўнади. Бозорчилар ҳозиргина кимсан — султон Улуғбекнинг қўлини олган мусофир тужжорни ўраб олиб, уни муборакбод эта бошладилар.

Орадан ҳафта ўтди, ўн кун, йигирма кун. Лекин юртига кетмоқчи бўлиб рухсат сўраган савдогардан дарак йўқ эди. Ниҳоят, Улуғбекнинг амри билан уни саройга олиб келдилар.

— Биз сизга ижозат бермакка азм қилдик, — деди Улуғбек, — истаган куни туққан маконингизга кетишингиз мумкин.

Тужжор икки букилиб, таъзим қилди:

— Давлатпаноҳ, агар рухсати олий бўлса, омонатимизни ўзларининг салтанатлари остидаги мана шу жаннатмакон Самарқандда топширсак...

Улуғбек кулиб қўйди.

Нажмиддин КУБРО

Рубоийлар

Огоҳ бўл ҳамиша, бу жаҳондир бор-йўқ,
Ҳеч нарса йўқ унда, кемтиги зинҳор йўқ.
Йўқ десалар, бор, деб уни қил исбот,
Бор десалар, айла дадил инкор: "Йўқ!"

* * *

Юрмак учун ҳақ йўлига етмак шарт,
Бошқасидан қўлни ювиб кетмак шарт.
Элга шифо бахш эту оч кўзларини,
Дунё уники, унга назар этмак шарт.

* * *

Ёв қилмишини гарданига ортти юрак,
Соврилмоқ учун элга ўзин отди юрак.
Кўзгинам-ей, офатижон юзларга
Тушган-ку бу сен, азобини тортди юрак.

* * *

Бир дев бор ичимда, асти пинҳон бўлмас,
Бошини эгмак анинг осон бўлмас.
Иймон не эканлигин англатсам ҳам,
Кофир у ашаддий, ҳеч мусулмон бўлмас.

* * *

Эркам мени зор этгани чин, ҳақмишдир,
Ошиқ эли ҳам йўлига муштоқмишдир,
Кокилин ҳар торига бир дил боғлиқ,
Сочига шунча ғунча, гул тақмишдир.

Изҳор

Бир тилим ҳандалак, бир тилим ҳилол
Минг йил кўз ўнгимдан кетмагай ҳаргиз.
Сен — мангу халқдирсан, ризқ-рўзи ҳалол,
Мен — сендан тарқаган, кўкарган илдиз.
Одам атолардан нишоним дедим,
Сени бобом дедим, деҳқоним дедим.

Элин билмаганлар юртин қарғарлар,
Миннат қилганлар бор берган ош-нонин.
Кетди боғларингни босган қарғалар,
Азал булбулларга гўзал ошёним.
Тўрғайларга ўнғай маконим дедим,
Сени бағрим дедим, осмоним дедим.

Амир Темурлардан қолган номус-ор,
Бир синиқ ғиши ҳам шараф-шон юртим.
Сен — ўлмас ғурурсан, сўнмас ифтихор,
Суви ҳам, қуми ҳам зарафшон юртим.
Асрлар жўш урган дил қоним дедим,
Туғи абад баланд қўрғоним дедим.

Сен — ўн бешга тўлган отажонимсан,
Бешигинг ислари кетмаган ҳали.
Тожу тахтим менинг, зўр имконимсан,
Бори тириклигим, умрим сайқали.
Сени — қошу кўзим, мужгоним дедим,
Ўз уйимда ўсган султоним дедим.

Менинг бу дунёда бошқа онам йўқ,
Онажоним ўзинг — танҳо, ягонам.
Сен борсан — сўзимнинг бошоқлари тўқ,
Сен борсан — тинмагай тилдан таронам.
Сенга садқа бўлсин бу жоним дедим,
Сени жоним дедим, жаҳоним дедим.

Халқ бўлиб замида кўз очган кундан
Қанчалар меҳнату миннат кўрдик биз.
Асли Истиқлолнинг ғояси шундан,
Жон чекиб, муҳташам давлат қурдик биз.
Эзгулик даргоҳим, майдоним дедим,
Оламга очилган айвоним дедим.

Дунё ҳам бўлиниб тулпор, отларга,
Қувончу ғам деган тарафлар бўлгай.
Лекин эл-юртим деб ўтган зотларга
Абадият қадар шарафлар бўлгай.
Бир тонгда ушалган армоним дедим,
Кетмас бўлиб келган давроним дедим.

Сирожиддин САЙЙИД.

Ҳазрат Алининг ҳикматлари



- Кишининг одоби унинг бойлигидан яхшидир.
- Умрнинг баракаси чиройли амаллардандир.
- Инсонга бало тилдан келур.
- Яхшилик қил, аммо уни миннат билан йўқ қилма.
- Уч нарса ҳалокатга элтади: бахиллик, худбинлик, такаббурлик.
- Аччиқ сўздан аччиқ овқат яхши.
- Севимли кишини кўриш кўзни равшан қилади.
- Отангга риоят қил — болангдан қайтади.
- Ботиний ҳусн зоҳирий ҳуснданяхшидир.
- Дунё билан фахрланиш кибрдир.
- Тавозели киши — улуғ кишидир.
- Илмнинг заволи мақтанишдадир.
- Кўп тоатдан оз маърифат яхши.
- Дунё кўнгли торлар учунгина тордир.

Бўрилар ҳаётидан

Она табиат

Бўри сувга яқин ерда болалайди.

Она бўри болаларининг сувсаб қолишидан чўчийди.

Бўриваччалар очликка чидаса, ташналикка чидамайди.

* * *

Бўрининг тиши аррасимон бўлади. Тишлаган еридан узиб олади. Бўрининг кўзи тунда ёнади, шунинг учун у кечаси ҳам яхши кўради.

* * *

Бўри йиртқич ҳайвонлар ичида энг чидамли ва югурик жонивор. У ўлжа излаб бир кечада 200 километр ерга бориб, келади.

* * *

Бу ҳайвон ўта қасоскор бўлади. Чўпонларнинг гапига қараганда, бўрининг битта боласини ўлдирсанг, эвазига у ўнлаб кўйларни бўғизлаб кетиши мумкин экан.

* * *

Бўри айғирдан қўрқади. Айғир бор бўлса, йилқи уюрига ҳужум қилгани ҳадди сиғмайди. Айғир бўрини тишлаб, тепкилаб, ўз уюрига йўлатмайди. Шунинг учун бўрилар айғирсиз ёйилиб юрган биялларга, қулунларга даъф қилади.

* * *

Бўри ўлимга сабр-бардошли бўлади. Тикка турғизиб сўйсанг ёки терисини шилсанг, ғинг деб овоз чиқармайди. Кўзидан ёш тўкиб, индамай ётаверади.

* * *

Бўрининг кучи олдинги оёқларида жамланган. Бўйни бениҳоя кучли. У икки пуд келадиган қўйларни елкасига даст ортиб кетаверади.

Толибий шўрпо

(Пазанда маслаҳати)

Маълумки, бир қанча талабалар мустақил ҳаёт кечирадилар. Улар жисмонан бақувват бўлиши керак. Бунинг учун ошхонанинг овқати камлик қилади. Шаҳримиздаги студент укаларимизга амалий ёрдам тариқасида биз тубанда ўқиш даврида тановул этиладиган таомнинг бир турини келтирмоқчимиз. Бу таом толибий, яъни студент шўрпо деб аталади.

Толибий шўрпо қандай пиширилади? Бунинг учун саҳрода боқилган қора қўйнинг чап биқинидан бир килоча кесиб оласиз. (Эслатма: пичоқни аввал қайнатиб, сўнг тоза спирт билан артинг. — **Муаллиф.)** Ундан кейин ҳисори қўйнинг карт думбасидан ярим килодан мўлроқ олинг. Қуйруқни қанддек катталикда тўрт бурчак қилиб тўғранг. Сўнгра Сўх (Фарғона вилояти, Сўх тумани) картошкасидан бир кило, Ғиждувон сабзисидан ярим килоча (сабзини кўп истеъмол қилманг, уйқунгиз қочади. — **Муаллиф.)** арчиб, паррак шаклида тўғраб қўйинг. Энди пиёз қолди. Уни Хоразмдаги "Ал-Хоразмий" ширкатидан олганингиз дуруст. Чунки "харес" пиёз таомни тотли қилади.

Масаллиқ тайёр бўлгач, ер ўчоққа чўян қозон осиб, Ғазалкент сойининг сувидан ярим пақир қуясиз. Гўшт-ёғ, сабзи, картошка, пиёзни қозонга солиб, аста қайнатасиз. Ўтинга Қизилқумнинг қўнғир саксовулидан ишлатишни маслаҳат берамиз. Таом бир қайнаганда Яккабоғнинг қизил тузидан бир қошиқ ташлаб юборинг.

Толибий шўрпо қайнатаётганда студентлар китоб очиб, қозон атрофида ўтиргани мақсадга мувофиқдир. Негаки, бир социолог айтганидай, қозондан умидвор киши стипендиядан ҳам умидвор бўлади, демак, яхши ўқишга тиришади.

Таом пишди. Энди нима қилиш керак? Энди Бойсун туманида ўсадиган кийик ўтдан бир чимдим, Наманганнинг Чодак тоғларида бўладиган меҳригиёдан (буни Ибн Сино "ябриҳуссанам" дейди. — **Муаллиф.)** икки чимдим ташланг, Меҳригиё студентларнинг бир-бирига ва шўрпога бўлган муҳаббатини янада кучайтиради.

Толибий шўрпога темир қошиқ уриш мутлақо ярамайди. Бунинг учун Татаристоннинг Оқ Эдил қишлоғида ясаладиган ёғоч қошиқдан топиш керак. Иложи бўлса, косаларни ҳам санъат музейидан олиш тавсия этилади. Зеро, бир филолог айтганидай, атала ичсанг ҳам, тилло идишда ичган мақбул.

Бу таом суюқ бўлганлиги учун уни нон билан ёки нонсиз тановул қилиш мумкин. Нонхўр студентлар шўрпога Самарқанднинг нони осиёсидан (ҳар косага тахминан биттадан. — **Муаллиф)** бўктириб есалар, нафслари ором олиши мумкин.

Толибий шўрпонинг бир хосияти шуки, у кишини чанқатади. Бундай пайтда Олтиариқнинг (Фарғона) ширин сувидан икки пиёла симириб, сўнг тўшакка киринг. Эртасига имтиҳондан кўз юмиб ўтолмасангиз, мени толибий шўрпо урсин!

Эслатма: Толибий шўрпо стипендия ололмай ва кунига уч марта почтахонага зир югуриб, уйидан пул кутиб юрган студентларга мўлжалланади.

Пазанда: С. ҚАРНОҚЛИ.

Охирги эслатма: *мабодо, Толибий шўрпо пишса, бизни ҳам чақирсинлар, ҳали бу лаззатли таомнинг тузини ўзимиз ҳам тотиб кўрмаганмиз.*

Икки дугона суҳбати:

— Агар эрим мен билан жанжал бошласа, онамларникига кетиб қоламан, деб қўрқитаман.

— Мен бўлсам, тескарисини қиламан. Эртадан бошлаб онамни олиб келаман, десам, бас, эримнинг овози ўчади.

***

— Сизга турмушга чиқаётганимда тентак эканман, — деди хотин.

— Тўғри айтасан, — деди эр, — ўша пайтлар мен ношудлик қилиб, буни пайқамаган эканман.

Бир аёл дўхтирга ҳасрат қилди:

— Эримнинг аҳволи мени ташвишга солаяпти. Нима қилишга ҳайронман.

— Унга нима бўлди? Қаери оғрийди?

— Билмасам, дўхтир. Соатлаб гапирсам ҳам индамайди, миқ этмай ўтираверади.

— Бу касаллик эмас, хоним, — деди дўхтир, — бу Худонинг сизга иноятн. Шукур қилинг.

Саҳифани ёзувчи Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Қ. Эшматов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 21.50 123456